

Марказий Осиё етакчилик дастури – ёшларнинг ҳамкорлик бўйича мулоқот майдони

2010 йилдан бери Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази шериклар билан ҳамкорликда барқарор ривожланиш мақсадида Атроф муҳит бўйича анъанавий Марказий Осиё етакчилик дастурини ташкил қилади. Бу йилги 10-чи Етакчилик дастури “Марказий Осиё ва Афғонистон аёллари ва эркаклари – ўрта бўғин профессионаллари – минтақавий ҳамкорлик ва яшил инновацияларни илгари суриш учун!” шиори остида ўтказилди. Ўзгидрометнинг ёш истиқболли мутахассислари ҳам ана шу дастурда иштирок этиб келмоқда.

Етакчилик дастурининг асосий мақсади Марказий Осиё ёшларини бирлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Мазкур дастур барқарор ривожланиш нуқтаи назарида сув ҳамкорлиги, сув дипломатияси, иқлим ўзгариши, энергия самарадорлиги, гендер тенглик каби йўналишлар бўйича ёшлар ўртасида мулоқот учун минтақавий майдон тақдим этади.

Ҳозирги вақтгача 250 дан зиёд иштирокчилар Етакчилик дастурини битирдилар. Улар минтақанинг экология, сув, энергетика, нодавлат ва академик тармоқларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар ва минтақавий учрашув ва форумларда ҳамкорлик қилиб ва тажриба алмашибгина қолмасдан, балки минтақавий кадриятларни илгани суриб, бир-биларини қўллаб қувватламоқдалар.

Дастур доирасида ўтказилган тадбирларда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистоннинг давлат ва нодавлат идоралари, академик ва бизнес тармоғи ўрта бўғин вакиллари иштирок этди. Учрашув ва семинарлар давомида иқлим ҳамда инновациялар ва Париж битими воситаларини илгари суриш борасидаги ҳаракатлар учун миллий ва минтақавий ҳуқуқий доираларни кенгайтириш масалалари кўтарилди. Тадбирлар интерактив тарзда ўтди – иштирокчилар матбуот анжумани ташкил этиб, унда ҳар бир иштирокчи олган билим ва тажрибасини мустаҳкамлаш имконига эга бўлди.

Маърузалар давомида экологик муаммоларнинг миллий, минтақавий ва глобал миқёсда инновацион ечимлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Центрально-Азиатская Программа Лидерства - платформа для молодежного диалога по сотрудничеству

Начиная с 2010 года Региональный Экологический Центр Центральной Азии (РЭЦЦА) совместно с партнерами проводит традиционную Центрально-Азиатскую Программу Лидерства по окружающей среде для устойчивого развития (ЦАПЛ). 10-ая ЦАПЛ проходила под девизом «Опытные профессионалы среднего уровня — мужчины и женщины Центральной Азии и Афганистане - за региональное сотрудничество и продвижение зеленых инноваций!». Молодые специалисты Узгидромета тоже принимают участие в Программе Лидерства.

Основная цель Лидерской программы – способствовать объединению молодежи Центральной Азии. ЦАПЛ продвигает и поддерживает региональную платформу для молодежного диалога по таким направлениям, как водное сотрудничество, водная дипломатия, изменение климата, энергоэффективность, нексус-подход, гендерное равенство в контексте устойчивого развития.

До настоящего времени выпущено около 250 участников Лидерской Программы, которые работают в экологическом, водном, энергетическом, неправительственном и академических секторах Центрально-Азиатского региона. Эти сотрудники не только сотрудничают, делятся опытом, работают сообща на региональных встречах и форумах, но и обучаются вместе в зарубежных университетах, общаются, обмениваются полезной информацией, дружат и поддерживают друг друга, продвигая ценности и преимущества регионального сотрудничества.

В мероприятии приняли участие молодые специалисты среднего звена из Центральной Азии и Афганистана, представляющие государственный, неправительственный, академический и бизнес-секторы с учетом гендерного баланса. В ходе встреч и семинаров были подняты вопросы расширения национальных и региональных правовых рамок для действий в области климата и продвижения инноваций и инструментов Парижского соглашения, мероприятие проходило в интерактивном режиме - участниками была организована Пресс-конференция, где каждый из них смог продемонстрировать и закрепить свои знания и опыт, полученные за время проведения мероприятий.

Во время лекций лидерам были предоставлены актуальные инновационные решения экологических вызовов на национальном, региональном и глобальном уровнях.





